
БИЗНИНГ ҚАҲРАМОНЛАР: ФАРҒОНА АЗАМАТЛАРИ! БАРАКАЛЛА, ПАҲЛАВОН ЎҒЛОНЛАР!

Айни кунларда жаҳон спортида ҳар тўрт йилликнинг энг муҳим мусобақаси – Париж – 2024 ёзги Олимпия ўйинлари давом этмоқда. Қувонарлиси, ушбу нуфузли мусобақада Фарғона ўғлонлари – фарғоналик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этиб, барчамизга олам – олам хурсандчилик тухфа этишаётир.

Хусусан, кун кеча ёзги Олимпия ўйинларининг бокс турнири финалида икки нафар фарғоналик спортчимиз – Асадхўжа Мўйдинхўжаев ҳамда Лазизбек Мулложонов рақибларини мағлуб этиб, Ўзбекистон терма жамоасига навбатдаги иккита олтин медални тақдим қилишди.

Ғалабалар муборак, фарғоналик азамат ўғлонлар! Сиз бизнинг фахримиз, ғуруримизсиз! Отангизга раҳмат, баракалла! Ўзбек боксининг дунё ареналаридаги ғалабали юришлари бардавом бўлаверсин!

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-08-10 10:58:40